

# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 86/11

Урганч тумани

“ 14 ” январь 2022 йил

“РИКИАТМ Урганч филиали” нинг куйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Сағиров шахслига бир томондан, иккинчи томондан “Урганч нефт базаси” масъулияти чекланган жамиятнинг куйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор С.Матқаримов шахслига, ушбу шартнома куйидаги ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва куйида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефтмаҳсулотларини нгури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар буйича							
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак	
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма
Автобензин АИ-80	0,400	10527074,42	4 210 829,77	0,400	4 210 829,77						

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси 4 210 829,77 сўмни ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда куйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот куйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбурийлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қондалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбурийлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига кўра “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнгли тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишчиномасига мувофиқ маҳсулотни ёнгли тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнгли тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шахобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбурийлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортда етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Етказиб берувчи”томонидан шартнома бўйича мажбурийлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва хисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига тақдирда маҳсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёнглининг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан ва “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йил 30 апрелдаги 28-02-98/263-сонли хати асосан бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва галла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Тошхашартрансхизмат” АЖ, маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёнгли (шу жумладан ЭК) маркали дизел ёнгли (шу жумладан ЭК) ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида сотади. Автобензин АИ-80 нефт базаси МЧЖ томонидан товар хом ашё бижрасидан сотиб олинган тикетларга устама қўйилган ҳолда етказиб беради.

2.10. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари таъминотининг узиллишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўли айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

2.11. “Истеъмолчи” томонидан унинг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлик талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

## 3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан қамида 5 кун олдин 100% миқдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача бир нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклланган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъминотидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотларини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгартириш учун қўшимча келишув битими тузилади.

#### 4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати буйича қабул қилиб олиш куйидагича амалга оширилади:  
а) «Етказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўзлаштирган тартибда расмийлаштириш орқали;  
б) «Истеъмолчи» транзит орқали махсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йуриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.  
4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.  
4.3. Нефть махсулотларини миқдор ва сифати буйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида» ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

#### 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

- 5.1. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.  
5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.  
5.3. Нефть махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.  
5.4. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть махсулотларини етказиб бериш кафолатлайди. Хар икки томон нефть махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосидан иш юритади.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.  
Нефть махсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.  
6.2. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.  
6.3. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи» га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.  
6.4. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга биноан қўлланилади.  
6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома буйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақлиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қузлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик буйича қоралар қурилишига кафолат беради.

#### 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

- 7.1. Хар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;  
- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,  
- нефтни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

#### 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. \_\_\_\_\_

#### 9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШINI ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.  
9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йул билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.  
9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.  
9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий гозначилигидан рўйхатдан ўтади ва 2021 йил 31 мартгача амал қилади.

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Етказиб берувчи»

«Урганч нефть базаси» МЧЖ  
Х/р: 22604000704268518701  
МФО: 00432 ИНН: 204589421  
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ  
Тошкент ш. Яшнобод филиали  
Урганч туман Чотқўпир кишлоғи  
Паррандачилик фабрикаси  
тел: 5209967

Директор

С.Маткаримов

«Истеъмолчи»

RESPUBLIKA O'ZBOSLASHTIRISH VA KONTROLLOGIYA  
ILMIY AMALIY MARKAZI URGANCH FILIALI  
SHIXIR: 401421880332172072201054002  
INN: 201970196; XXTUT: 81513  
MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI  
INN: 201122949; MFO: 00014  
TOSHIKENT SH. YASHNABOD BANK TOSHIKENT SHAHAR QIRIN  
URGANCH TUMAN Q. TN IX TOL/Fax 35-30-313

Раҳбар:

Ҳуқуқий ҳудуд: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни талабларига зид эмас.

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_ Ж.Абдурахимов